

Бисенбаева Рамиза Куўанышбай қизи

Кегайли тумани ХТБ қараили 10-сонли умумтаълим мактабининг амалиётчи психологи

Мактабда фаолият кўрсатаётган психологнинг қандай кўринишга эгаллиги муҳимми? Албатта, мактаб психологи кўриниш, кийиниш касбий фаолиятда катта аҳамиятга эга. Психолог олимлар инсоннинг ташқи кўриниши 92% ижобий тасаввур уйғотади деб таъкидлаб ўтади. Мактаб жамоасининг обрўси, ундаги муҳит, педагоглар имиджи сизнинг шахсий имиджингизга таъсир кўрсатади ва аксинча, сизнинг имиджингиз мактаб имиджига бевосита таъсир кўрсатади. Инсонларга ёқиш санъати ва фан “Имижелогия” соҳаси мавжуд. Имижелогия ҳар бир инсонни жазибдор бўлишга ва инсонларга ёруғлик улашишга чақириш соҳаси ҳисобланади. Имижелогия – таъсир кўрсатиш технологияси. Блез Паскаль фикрича инсонларга таъсир кўрсатишнинг иккита усули мавжуд, улар “Ишонтириш усули” ва “Ёқиш усули” деб тушунтириб беради. Улардан ёқиш усули самаралироқ – деб кўп бора таъкидлаган. Мактаб психологи имиджини шакллантириш бўйича амалий тавсиялар берилган, уларни қуйидагича белгилаб ўтиш мумкин:

- Мактаб психологи мактабдаги биринчи қадами педагогик жамоада ёқимли психологик муҳитни яратиш;
- Соғлом жамоатчилик фикрини шакллантириш амалий ёрдам бериш;
- Жамоадаги ҳар қандай муаммоли вазиятларни, низоларни самарали бошқариш;
- Жамоа фаолиятини самарали ташкил этиш учун чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;
- Жамоада шахслараро ишонч, ғурур ҳиссини, уюшқоқликни ташкил этиш;
- Жамоада ўқитувчи-ўқувчиларда самарали мулоқотни ривожлантириш;
- Мактаб ўқитувчи, ота-она, ўқувчилар билан муносабатларини таҳлил қилиб бориши лозим;
- “Мактаб имиджи”, “Педагог имиджи”, “Психолог имиджи” мавзусида психологик тренинг ўтказиш;

Мактаб психологи ўз имиджини яратишда ўз ҳатти-ҳаракатларини ва атроф-муҳитни ҳисобга олиши лозим, шу билан бирга фаолият юритаётган жамоангизга мос имидж яратилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Психолог имиджига унинг кийиниш одоби киради. Биз яхши биламизки, кийимнинг вазифаси – бу нафақат инсонни иссиқдан, совуқдан ҳимоя қилиш, балки ўзига жалб этишни ҳам ууддалаши керак. шундай бўлсада, мактаб психологи кийиниши оддий (классик) бўлиши керак. Жамоада барча ходимларини ўзига жалб қиладиган ялтироқ кийимлар кийиши мумкин эмас. Кийимларидаги тугмалар оддий бўлиши керак. Яққол кўзга ташланиб турадиган бўлмаслиги зарур. Зеб – зийнатлар

оддий содда бўлиши керак. Соат – албатта ясси, оддий метал ёки тилла ҳамда чарм тасмадан бўлиши керак. Унинг кийимига мос портфели, аксессуарлари бўлади. Озода, ярашган ва сипо кийим кишининг ишига талабчанлиги ва ички камтарлиги ҳақида маълумот беради. Бошқа инсонларнинг эътиборини қаратиш учун нафақат инсон чиройли кийиниш ва озода бўлиш керак, балки яхши хусусиятларга ҳам эга бўлиш керак. демак, қуйидаги уларни белгилаш мумкин:

- ёқимли суҳбатдош бўла олиш керак;
- нафис таббасум қила олиш даркор;
- эҳтиросларни жиловлай олиш зарур;
- хушмуомала бўла олиш керак.
- илмий салоҳиятли бўлиш, зиёли бўлиш;
- қўланган мақсадга эриша олиш;

Агарда инсон ўз имкониятларини тўғри баҳолай олса, у тўғри йўл топа олади. Унинг доим ўзига ишончи бўлади ва касбий фаолиятида ҳам шахсий ҳаётда ҳам омадли бўлади. Инсон ўзида истеъдодларни руёбга чиқаришга ҳаракат қилиш керак, зеро ҳар бир шахсда қобилият мавжуд.

Мактаб психологи педагогик жамоада ўқитувчи ва ўқувчилар орасида ўзаро ишонч, симпатия мавжуд бўлгандагина ўзи хоҳлаган мақсадларга эришиш мумкин.

Мактаб психологига мурожат қилиш бу ожизлик белгиси эмас. Психолог соғлом инсонлар билан ишлашини эса юқорида ойдинлаштириб олдик. Лекин вақти вақти билан ҳар қандай инсон ҳам атрофдан кўрсатиладиган ёрдам, уни қўллаб қувватлашларига муҳтож бўлиб қолади. Бизнинг инсонлар бундай вақтларда одатда психологларга эмас, балки яқин дўстларига, қариндошларига мурожат қиладилар. Психолог ўз касбини мажбурий қўллай олмайди. Ташаббусни консультацияга келган ва бунга эҳтиёж сезган мижозларга кўрсатиб боради.

Ўқувчилар ҳурматида бир реал воқеани айтиб ўтишни жоиз топдик. Мактаб директори тажрибали, илмий даражага эга бўлган психолог олдида келиб бир савол берди. Унинг саволи “психологлар ҳам касб касаллигига учраб қолади экан, сиз нима дейсиз?”-деб унга бу касбни нотўғри танлабсан чамамда дегандай қаради. Психолог унга қараб, унинг саволига савол берди “қандай касаллик экан” “унинг мутахассислиги ҳақиқатдан ҳам психологми ” деган саволга жавоб олишга ҳаракат қилди. Мактаб директори кўп уйламай жавоб берди, йўқ унинг асл мутахассислиги бошқа “бошланғич таълим ўқитувчиси” эди, мактабда дарс соати етишмаслиги сабабли унга “психолог штатини” қўшиб берганман. У кейинги вақтлари купол, жаҳлдор, урушқоқ бўлиб қолди, бу унинг касб касаллиги шекилли деди. Психолог кулиб қўйди ва жавоб берди, ҳар қандай мутахассислик бўйича касб касаллиги учраб туриши мумкин. Лекин, сиз ҳурматли раҳбар мутахассисларни топиб ишга жалб қилсангиз яхши бўларди. Мактабда кимгадир дарс саоти етишмаса “психолог штатини” қўшиб бериши керак деб ким сизга айтган, деса. Мактаб директори бироз уйланиб, мактаб психологи бўлиб ким ҳам ишларди – деб индамай чиқиб кетди.

Афсус, бу энди ҳақиқатга яқинроқ. Мактаб директори кадрларни танлашда ўзининг хотасини тушунди, лекин у кейинги саволига тўғри жавобни олишни ҳохламадими чиқиб кетди. Бугунги куни таълим муассасаларнинг кўпчилик жойларида номутахассислар ишлаб турганлиги, кадрларнинг қунимсизлиги катта муаммоларни тўғдирмоқда. Шундай бўлсада, ҳар бир кадр ўз устида ишлаши учун тўла имкониятлар йўқ эмас. Шаҳар ва вилоят малака ошириш институтларида қайта тайёрлов курслари очилган, иккинчи мутахассислиги бўйича таҳсил олиш мумкин. XXI асри технология асри – демак, интернет тармоғидан унумли фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Демак, бу каби муаммолар вақтинчалик деб биламиз

АДАБИЁТЛАР:

1. Хурвалиева Т. Мактабда психологик хизматни ташкил қилиш (мактаб амалиётчи психологлари учун услубий тавсиялар). – Тошкент, 2006 й.